



Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences

Journal home page:
<http://ijournal.uz/index.php/jartes>



VOL. 1, ISSUE 1
The Journal of Academic
Research and Trends in
Educational Sciences

ISSN 2181-2675 www.ijournal.uz

OPPORTUNITIES TO INCREASE EMPLOYMENT BASED ON THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP

O.S. Musurmonov¹

Tashkent Higher School of Business and Entrepreneurship

KEYWORDS

small business,
entrepreneurship,
employment, private sector,
microeconomics,
macroeconomics

ABSTRACT

Due to the rapid and effective development of small business and private entrepreneurship in the conditions of the innovative economy, based on the changes taking place in the microeconomics, the primary basis of individual human capital is not labor force, but human productive abilities.

2181-2675/© 2022 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: 10.5281/zenodo.7352585

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Tashkent Higher School of Business and Entrepreneurship, UZB

ТАДБИРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

KALIT SO'ZLAR:

кичик бизнес,
тадбиркорлик, иш
бандлиги, хусусий сектор,
микроиқтисодиёт,
макроиқтисодиёт

ANNOTATSIYA

Инновацион иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ва самарали ривожланиши эвазига микроиқтисодиётда рўй бераётган ўзгаришларга асосланиб, индивидуал инсон капиталининг бирламчи асосини ишчи кучи эмас, балки инсон унумли қобилияtlари ташкил этади.

Ривожланган хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда меҳнат муносабатлари тажрибасини ўрганиш натижасида мамлакатимизда ҳам қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:- касбий ўсиш, меҳнат мазмунини бойитиб бориш учун касбий тайёргарлик ҳамда рақобат борасида муносабатларнинг қўллаб-қувватланиши; кичик бизнес ва тадбиркорликни иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилиши меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми учун янги иш жойларини очиш имконияти юқорилиги; бўш иш ўринлари банки ва ахборотлар алмашишнинг интенсив усулларини йўлга қўйилганлиги ҳамда юқори малакали (экслюзив) кадрларга эҳтиёжларни рағбатлантирувчи икки томонлама маълумотлар банкининг очиқлигига эришиш.

Ҳаракатлар Стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Жумладан, "...хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, "Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади" деган тамойилни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай иш билармонлик мұхитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш вазифалари белгиланган [1].

Шу ўринда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва унда бандликка эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши ортиб бормоқда, у иқтисодиётдаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишининг мұхим омилига айланайтгани алоҳида аҳамият касб этади.

Академик Қ.Х. Абдураҳмоновнинг эътироф этишича инновацион

тадбиркорлик меҳнат муносабатларининг замонавий шакли бўлиб, ҳам акциядорлик жамияти миқёсида, ҳам кичик корхонада шахсий тадбиркор сифатида амалга оширилиши мумкин [2,480]. Жумладан, инновацион тадбиркорлик фаолиятини кичик тузилма - кичик инновацион корхонаси сифатида амалга оширишнинг ўз афзалликлари ва камчиликлари мавжуд, инновацион фаолиятни шахсий тадбиркор сифатида амалга оширишнинг афзалликлари ва камчиликлари гурухланди (1-жадвал).

1-жадвал

Инновацион фаолиятни шахсий тадбиркор сифатида амалга оширишнинг афзалликлари ва камчиликлари

Инновацион фаолиятни шахсий тадбиркор сифатида амалга оширишнинг афзалликлари	Инновацион фаолиятни шахсий тадбиркор сифатида амалга оширишнинг камчиликлари
Бизнесни ташкил этишда давлат томонидан рўйхатга олишнинг енгиллиги	Молия-хўялиқ, инновацион ва бошқарув функцияларининг қўшиб олиб борилиши
Банкда ҳисоб варақни очиш тезкорлиги	Шахсий тадбиркорликни амалга оширишда кредит олиш учун гаров масаласи мураккаблиги
Соликқа тортишнинг соддалаштирилган тартиби ва солик ставкаларининг пастлиги	Ташқи молиялаштириш манбаларини топишнинг мураккаблиги
Менежментнинг соддалиги ва бунинг учун чиқимларнинг камлиги	Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот учун мижоз топишнинг қийинлиги
Ҳисоботларнинг соддалиги	Мажбуриятлар бўйича тўлиқ шахсий маъсулият
Бизнесни юритишда мустақиллик ва юксак самарадорликка эришиш учун мотивациянинг кучлилиги	КБХТда иш билан бандликнинг замонавий шаклларини тадбиқ этиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик

Расмий статистик маълумотларга кўра ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 218,2 минг якка тартибдаги кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 56,9 фоизи тўғри келади, улар меҳнатга лаёқатли аҳолининг 78,2 фоизини иш билан таъминламоқда [3,3]. Шунингдек, Ўзбекистонда аҳоли иш билан бандлигини

таъминлаш ва даромадини ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида инновацион, ноанъанавий иш жойларини кўпайтириш меҳнат бозорини барқарорлаштириш имкониятларини янада кейгайтиради.

Иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятини фаол турдаги такрор ишлаб чиқариш манбаига айлантириш имкониятини белгилайдиган муҳим омиллардан бири иш билан бандлик ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштирокидир.

Мамлакатимизда аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, иқтисодий фаолликларини оширишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-иловасида келтирилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш» вазифаси белгиланган.

Мазкур қонунчилик хужжатининг талабларидан келиб чиқиб, уларнинг бугунги даврдаги ижросини таъминлаш аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш муаммоси давлат ва жамият олдида турган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолишига имкон яратиш лозим. Айниқса, қишлоқ жойларида аёлларни иш билан бандлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятларини илмий, ташкилий ва амалий нуқтаи-назардан таҳлил қилиниши эса уларнинг иш билан бандлигини оширишнинг самарали вазифаси эканлигидан далолат бермоқда.

Иқтисодий, ижтимоий, миграцион, демографик, муносабатлар аёлларнинг иш билан бандлиги самарадорлигини оширишда гендер тенглиги даражасида ўрганилиши лозимки, бу жараён уларнинг нафақат ижтимоий ишлаб чиқаришда иш билан бандлиги балки, уларнинг оиласи юмушлар ва фарзандлар тарбияси билан машғуллигини уйғун тарзда олиб боришларига шароитлар яратиш керак. Аёлларнинг иш билан бандлиги уларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа фаолият соҳаларида меҳнат ва фарзандлар тарбиясини уйғун тарзда, руҳий-физиологик хусусиятларини ҳисобга олувчи иш билан бандлиги ҳолатида жамиятда шаклланувчи ишлаб чиқариш муносабатларининг йифиндисидан иборат. Бу ўринда қишлоқ жойларда иш ўринларининг шаҳарга нисбатан камлиги, мактабгача таълим муассасаларининг этишмаслиги, аёлларнинг рақобатбардошлиги ва сафарбарлиги пастлиги сингари сабаблар уларнинг иш билан бандлигини мураккаблаштиришга олиб келади.

Макроиқтисодий ўзгаришларнинг асосий белгиларидан бири янги иш жойларини ташкил этиш бўлиб ишсизлик даражасини камайтириш, биринчи навбатда, иш кучи таклифидан келиб чиқсан ҳолда янги иш жойлари яратишга боғлиқдир. Мамлакатда янги иш ўринлари яратишнинг ўзига хос тизими яратилган

бўлиб янги иш ўринлари инвестиция дастурлари, маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш тармоқ дастурлари, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида худудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестицион лойиҳани руёбга чиқариш ҳисобига 256,4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилишига эришиш кўрсатилган. Бу чора-тадбирларни ижроси сифатида иқтисодиёт тармоқларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу жумладан саноат, хизматлар соҳасида, янги объектларни ишга тушириш, кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 2017 йилнинг январь-август ойларида 521,5 минг киши, шу жумладан 268,2 минг нафар аёлларнинг иш билан бандлиги таъминланди.

Аёллар ва эркакларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандлиги ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади, жумладан, эркаклар мазкур фаолиятни саноат, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатишда мақбул бўлган тармоқ деб ҳисобласалар, аёллар хизмат кўрсатиш, савдо, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини афзал кўрадилар. Қишлоқ жойларида эса аёллар мазкур соҳаларда кўпроқ касаначиликни маъқул деб ҳисоблайдилар ва бу борада уларни яқин дўстлари, турмуш ўртоғи, оила, аёллар уюшмалари қўллаб-қувватлайдилар. Аёлларга мос иш ўринларини ишлаб чиқаришнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида яратиш юқори унумдорликни таъминлайди.

Бундан келиб чиқсан ҳолда эътироф этиш керакки, аёлларнинг айниқса, меҳнат бозорига биринчи бор кириб келаётган қизларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда реал ва молиявий секторлар бўйича иш билан бандлигини таъминлашнинг аниқ тартибларни белгилаш орқали уларнинг ўз иш ўринларидағи қўнимлилигини таъминлаш ҳамда бу борада иш берувчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари маъсуллигини ошириш, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқаришнинг айнан аёллар манфаатига қаратилган механизmlарни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Республикада оилавий тадбиркорлик аёлларнинг иш билан бандлигини иқтисодий тартибга солишда муҳим имкониятлардан бири ҳисобланади. Аёллар тадбиркорлиги, айниқса оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш учун қуйидаги самарали механизmlарни татбиқ этиш лозим:

- аёллар тадбиркорлигини иқтисодий қўллаб-қувватлаш тўғрисида меъёрий-қонуний хужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш;
- тижорат банклари, сұғурта, лизинг ва бошқа молиявий ташкилотлар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда хизматлар кўрсатишни янада такомиллаштириш;
- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаларида аёллар учун тадбиркорлик иш жойларини яратиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида уларнинг оилавий тадбиркорлиги учун иқтисодий имтиёзлар тақдим этиш;

- аёл тадбиркорлар учун зарур бўладиган иқтисодий ахборот ва маслаҳатларни берадиган инновацион марказлар, бизнес-инкубаторлар фаолиятини янада такомиллаштириш.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли Фармонига 1-ИЛОВА 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. <http://strategy.gov.uz>. -11 Б.

2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. -Т.: ЎзР ФА “Fan” нашриёти, 2019. - 568 Б.

3. <https://www.Stat.uz>.